

**СУҒДИЙЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ  
ФАОЛИЯТИГА ДОИР**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-28>

**Маматқулова Холида Ахтамовна,  
Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси**

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур тадқиқот ишида суғдликларнинг савдогарлик, элчилик муносабатлари, Турк хоқонлиги ва Тан империясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳамда Буюк ипак йўлидаги ҳаракат орқали маданият ташувчи вазифасини бажариш жараёнлари тадқиқ этилган. Мақолада хронологик изчиллик, сабаб, жараён ва натижа боғлиқлиги, тарихий билишнинг холислик, тарихийлик ҳамда тизимлилик тамойилларидан фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** суғдликлар, Хитой билан савдо муноабатлари, суғд диаспораси, Турк хоқонлиги, дипломатик муносабатлар.

**ОБ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СОГДИЙЦЕВ ПО ВЕЛИКОМУ ШЕЛКОВОМУ  
ПУТИ**

**Маматкулова Холида Ахтамовна,  
старший преподаватель Самаркандского  
государственного института иностранных языков**

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье исследуются торгово-дипломатические отношения согдийцев, их роль и место в общественно-политической жизни Тюркского каганата и Танской империи, а также деятельность согдийцев в Великом шёлковом пути как носителей культуры. В основе статьи лежат причины, границы процессов и результатов, а также принципы систематики.

**Ключевые слова:** согдийцы, торговые отношения с Китаем, согдийская диаспора, Тюркский каганат, дипломатические отношения.

**ABOUT ACTIVITIES SOGDIANS ALONG THE GREAT SILK ROAD**

**Mamatkulova Kholida Akhtamovna,  
Senior teacher of Samarkand State Institute of Foreign Languages**

**ANNOTATION**

This article examines the trade and diplomatic relations of Sogdians, their role and place in the social and political life of the Turkic Kaganate and the Tang Empire, as well as the activities of Sogdians in the Silk Road as carriers of culture. The article is based on the causes, limits of processes and results, as well as the principles of systematics.

**Key words:** Sogdians, trade relations with China, Sogdian diaspora, Turkic kaganate,

diplomatic relations.

Марказий Осиё қадим даврлардан «цивилизациялар чорраҳаси» вазифасини бажариб келган. Ўлканинг географик жойлашуви аҳоли томонидан ғоя ва маҳсулотлар алмашунувига имкон яратган. Мазкур чорраҳадаги аҳоли асосан ғояларни етказиб бериш ва кўпайтиришда воситачи бўлган. Савдо-сотик, маънавий-маданий жиҳатларни етказиб бериш асосий ролни суғдликлар ўйнаган. Манбаларда суғдликлар тўғрисидаги маълумотлар дастлаб, Авесто китобида Гава худудида суғдлар яшайди деган шаклда учрайди. Аҳмоний ҳукмдорлар томонида ёздирилган қоятош (Беҳустун ёзувлари) ёзувларида ва юнон-рим тарихчиларининг асарларида Суғд ва суғдликлар номи қайд этилган. Суғдликлар халқимиз тарихининг ажралмас қисмини яратган халқдир. Суғдликлар тарихини тадқиқ этиш юртимизда кечган ўзига ҳос этномаданий алоқалар, тарихини очиб беришга хизмат қилади.

*О.И.Смирнова* “Сводный каталог согдийских монет” (Суғд тангаларининг тахлилий каталоги), “Очерки из истории Согда” (Суғд тарихидан очерклар), *Е.В. Зеймал* “Древние монеты Таджикистана” (Тожикистоннинг қадимий тангалари), *Т.Эрназарова, Б. Кочнев* “Тангалар ўтмиш даракчилари”, *Н.Я. Бичурин (Иакинф)* “Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена” (Қадимги Ўрта Осиёда яшовчи халқлар тўғрисида маълумотлар тўплами), *А.Г. Малявкин* “Танские хроники о государствах Центральной Азии: тексты и исследование. (Марказий Осиё давлатлари ҳақида Тан солномалари: матнлар ва тадқиқотлар), *Б.С.Фойибов* “Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни (илк ўрта асрлар), Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули” каби Суғд тарихининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган.


Умуман олганда, суғдшунослик доирасида Суғд конфедерацияси муаммоларига бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Шарқ ва Африка тадқиқотлари уюшмаси (Буюк Британия), Париж ижтимоий фанлар тадқиқот маркази (Франция), Киото университети (Япония), Россия Фанлар академияси Лингвистик тадқиқотлар институти (Москва), Россия Фанлар академияси Шарқ кўлёмалари институти (Санкт-Петербург), Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда [3, Б.6].

Мақолани ёзишда тарихий таққослаш, хронологик изчиллик ҳамда тизимлилик тамойилларидан фойдаланилади.

Буюк ипак йўлининг аҳамияти ҳозирги кунга келиб яна ошиши, мазкур йўлда самарали фаолият олиб борган суғдликлар тарихини тадқиқ этишнинг аҳамиятини оширади.

Хитой манбаларида четдан келган ажнабийларнинг қаердан келганлигига қараб ёзиб қолдириш тартиби қабул қилинган. Шу сабабли, суғдликлар яшайдиган шаҳар-давлатларни ифодаловчи ўндан зиёд иероглифлар айниқса Кан (Самарқанд), Ань (Бухоро), Ши (Чоч), Ши (Кеш), Ми (Маймурғ), Цао (Кабудон), Хэ (Кушония) учрайди. [11].

Буюк ипак йўлининг жанубий тармоғида, Қримдан то Манжуриягача Суғд



жамиятининг манзилгоҳлари ва савдогарлар бирлашмалари мавжуд бўлган. IV асрда Хитойнинг бой шимолий вилоятлари Гансу ва Нинся, Дунхуан, Янчжоу шаҳарларида ҳамда, империянинг сиёсий маркази Чанъан (ҳозирги Сиан) ва Лоянда Суғд савдогарларининг диаспораси пайдо бўлган [1].

Суғднинг савдо-сотик ва айрбошлаш ишларида Хитой муҳим аҳамият касб этган. Марказий Осиёнинг “самовий отлари” қудратли Хитой империясининг рамзларидан бири бўлган. VIII асрда суғдликларнинг Хитойга етказиб берувчи асосий товарларидан бири отлар ҳисобланган. Суғдликлар империя чегаралари, Ордос (Шансининг шимоли) бўйлаб савдо-сотик ишларини олиб борган. Савдо олиб бориладиган ҳудуднинг ҳажми шунчалик катта бўлганки, 679 йилда бу ҳудудлар “олти суғд вилояти” («олти ху вилояти») деб тасдиқланган [74, 317].

С.Г. Кляшторний таъкидлашича, солномаларда суғдликларнинг Хитой ҳукуматига муваффақиятли етказиб берганлиги учун 714 йилда фахрий унвони билан тақдирланган. 718 йилда суғдликлар император саройига Хитой кўшинлари учун намуна сифатида қабул қилинган дубулғани совға сифатида юборишган [6].

Хитойнинг ижтимоий ҳолати суғдликларнинг нафақат савдо фаолиятига балки уларнинг мамлакатдаги ҳаётига кучли таъсир этган. Хужжатларда акс эттирилишича, 760 йилда Лоянда бўлиб ўтган аскарларнинг (Ан Лушан кўзғолони) кўзғолонида бир неча минг суғдлик савдогарлар ўлдирилган [11]. Мазкур маълумотлар юқорида билдирган фикримизни тасдиқлайди.

Франц Грене Хитойдан кўплаб топилган археологик манбаларга асосланган ҳолда айнан Хитойнинг V–VIII асрлардаги маданиятида Суғднинг таъсири асосий омил бўлган деган фикрни билдирган [12]. Мазкур қарашни Э. Вессьер ўзининг “Суғд савдогарларининг тарихи” номили монографиясида батафсил ёритган [13].

Суғдликларнинг савдодаги вазифаси ва ҳаракатини финикияликларникига ўхшаш десак хато қилмаган бўламиз. Бундай фикрга келишимизга асосий икки жиҳат (суғд тили ва суғд колониялари) сабаб бўлади.

Академик В. В. Бартольд: “Ўрта Осиёда тил ва алифбонинг ривожини савдо алоқалари ва диний тарғиботлар билан чамбарчас равишда кечган. Савдодаги етакчилик ҳамда - буддавийлик, манихейлик ва насронийлик динларига оид диний ёзувларнинг суғд-уйғур алифбосидалиги сабабидан суғд-уйғур тили билан ҳеч қайси бир тил рақобатлаша олмаган. Фақатгина, анача вақтдан сўнг ғарбда араб тили, шарқда эса тибет тили шундай юқори даражага чиқа олган”-деб таъкидлайди. [5, С.12].

VII асрнинг 30-йилларида Етисув ва Шарқий Туркистонда Суғд колониялари вужудга келган. 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган Хитой сайёҳи Сюан-Цян Сиёб шаҳрини ҳам катта ярмаркалар ўтказилган кўплаб шаҳарлар котрида таъкидлаб ўтган. Йирик суғд шаҳарларида юқори даражадаги урбанизация ва маълум даражадаги мустақилликни сақлаб қолгиналигини кўришимиз мумкин. Мазкур жиҳатлар Суғд шаҳарсозлигининг ўзига хос томонларини кўрсатади.

Тадқиқ этилаётган даврда Самарқанд марказ сифатида конфедерация ҳаётида муҳим мавқега эга бўлиб, бу ерда мамлакат қонунчилигини акс эттирувчи қонунлар мажмуаси сақланадиган махсус ибодатхона мавжуд бўлган. Ибодатхонага



марказга итоат этадиган ҳукмдорлар йилнинг белгиланган кунда биргаликда келиб, марказга садоқатларини ифодалаш мақсадида диний амалларни бирга бажарганлар. “Бей ши” ва “Суй шу” йилномаларида, Кан (Суғд)да «Ибодатхонада муҳофазатда турадиган тузуклар (мажмуаси) бор. (Бирон бир) жазони белгилашда ушбу тузуклар (мажмуаси)ни олиб, унга асосланган ҳолда ҳукм чиқарадилар» деган маълумотлар учрайди [9]/ В.А. Лившиц тахминига кўра, мазкур ибодатхона билан суғдий никоҳ ҳужжатларида Ўттегин ва Дуғдғунча орасида никоҳ шартномаси тузилган жой сифатида қайд қилинган «Қонунлар уйи» битта жойдир. Ушбу қонунлар уйи маҳкама ҳисобланадиган бўлса, унинг Самарқанд яқинидаги Кофирқалъада бўлганлигини тахмин қилган тадқиқотлар мавжуд. Кофирқалъада олиб борилган тадқиқотлар натижасида бу ердаги муҳрларнинг таҳлили бундай тахминга келишга асос бўлиши мумкин.[10].

Турк ҳоқонлиги ҳукмронлик даврида ҳоқонликнинг худуди ва кучидан унумли фойдаланиб суғдликлар ипак савдосида монопол ҳуқуқни қўлга киритган. Суғдликларнинг тижорат манфаатлари турклар ва форслар ўртасидаги муносабатларни бузилишига ҳамда Византия империяси билан элчилар алмашинувиغا олиб келди. [4].

Ушбу давр тўғрисида маълумот берувчи ёдгорликларга – Хитойнинг Дунхуан шаҳридаги «Эски суғд ёзувлари», Турфон ва Қорашардан топилган ибодатхоналар деворларидаги чиройли деворий суръатлар ҳамда Қорақурумдаги суръатларни киритишимиз мумкин. Таъкидлаш керакки, суғдликлар нафақат Хитой ипакларини сотиш билан, балки бу қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланган. Жозибали тасвирлар билан безатилган суғд ипаклари кейинчалик Византия, Эрон ва Хитой матоларини безаб турган кўплаб композициялар учун прототип вазифасини бажарган.

Парфия ва Бактрия даврида ҳам ташаббусни қўлга киритган суғдликларнинг моҳир дипломатлар эканлиги тарихдан маълум. V-VI асрларда туркий қабилаларининг кўмаги билан суғдликлар ҳоқонликнинг сиёсий ўйинларида қатнаша бошладилар.

Бу ҳолат айниқса, Турк ҳонлиги Эуроосиё худудидаги давлатларини бирлаштириб қудратли империя даражасига чиққан даврида аниқ намоён бўлади. Хизматлари эвазига Ўрта Осиё минтақаси ҳоқонлик томонидан фатҳ қилинганда, суғдликлар ўз имтиёзларини сақлаб қолишиб, савдо ишлари, сиёсий низоларни бартараф этиш ва элчилик муносабатларида ўз фаолиятларини давом қилишган [7].

VI асрнинг 60-йилларнинг охирида Турк ҳоқонлигининг ўша вақтдаги йирик давлатлар Византия, Сосонийлар, Хитой билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари Узоқ Шарқни Ўрта Ер денгизидаги мамлакатлар билан боғловчи савдо йўлларидаги рақобатга асосланган [8, 61].

567 йилда Византия ва ҳоқонлик ўтасида Форсларга қарши ҳарбий битим тузган дипломатлар суғдликлар эканлиги уларнинг ҳоқонлик сиёсий ҳаётида эгаллаган мавқеини кўрсатадиган жиҳатдир [8, 65].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Суғд конфедерацияси Турк ҳоқонлиги

тасарруфида бўлган даврда уни бошқариш учун хоқонлик ўзига хос йўллардан фойдаланган. Хоқонларнинг ўз вассалларига қиз бериб, уларни ўзларига тобе қилиш анъанаси бўлган. Хусусан, Хитой йилномаларида 690710 йилларда Самарқандни бошқарган маҳаллий ҳукмдорларнинг Ғарбий турк хоқонларига куёв бўлгач, хоқонликка бўйсунганлиги қайд этилади.

Манбалар тадқиқи, доимий қитъалараро транзит савдо натижасида суғдликлар барча фойда келтирадиган янгилик ва ютуқлардан биринчилардан бўлиб фойдаланишган. Суғдликларнинг савдо тармоғини ривожига ҳам шунга асосланган ҳолда йўлга қўйилган. Масалан: суғдлик савдогарлар мусулмонлар Марказий Осиёни забт этишидан олдин, Ўрта Ер денгизи ва Марказий Осиёни боғловчи ҳудудлар араблар таъсир доирасига кирган вақтдан бошлаб ислом динини қабул қилиб, ўлкадаги илк мусулмонлар бўлишган. Илк ислом таълимоти барча (диний, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий) омиллар асосида шаклланишга тасдиқлайди.

Таҳлилларимиз натижаси суғдликлар нафақат савдогар, балки таржимон, чорвадор, ҳунарманд ва маданиятни ташувчилари бўлган деган хулосага келишимизга имкон беради. Бундан ташқари суғдликлар ҳудуддаги бошқа халқлар билан биргаликда араб халифалигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб турли имтиёзларга эга бўлишган. Қўлга киритилган имтиёзлар кейинчалик ўзларининг миллий (Сомонийлар) давлатини тузишга имкон яратган.

Буюк ипак йўлининг аҳамияти ҳозирги кунга келиб яна ошиши, мазкур йўл тарихини ва унда самарали фаолият олиб борган суғдликларни тадқиқ этишнинг аҳамиятини оширади. Тарихий тажриба асосида Буюк ипак йўлидаги фаолиятда “суғд концепсияси”ни жорий этиш юртимизнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожига омил бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Литвинский Б.А. Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и средневекового Востока. – М., 1986.
2. Рыбакова Б.А. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. – М., 1999.
3. Ғойибов Б.С. Суғд конфедерациясининг шаклланиши, тараққиёти ва таъназули. Тарих фанлари бўйича докторлик (dsc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017.
4. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – Л.: Изд. АН СССР, 1973.
5. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград, 1927. – С. 12.
6. Воробьева-Десятовская М.И. Из истории российского востоковедения. «Великие географические открытия» русских ученых в Центральной Азии. Материалы вторых востоковедных чтений памяти О.О. Розенберга (РХГА, 11–12 ноября 2008 г.). СПб.: Изд-во русской христианской гуманитарной академии//



Вестник русской христианской гуманитарной академии. 2009.

7. Фрейман А.А Согдийские документы с горы Муг. Вып. 1. Описание, публикация и исследование. – Л.: Изд. АН СССР, 1962.

8. Иерусалимская А.А. «Великий Шелковый путь» и Северный Кавказ. –Л.: 1972.

9. Кожин П. М. Китай и Центральная Азия до эпохи Чингисхана. – М.: 2011.

10. Лившиц ВА . Согдийский брачный контракт начала VIII в. //СЭ №5 – М.: 2005.

11. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии – М.: 1999.

12. Dien A.E. Te Glories of Sogdiana. Available at: <http://www.silk-road.com/artl/sogdian.shtml> (Accessed: 15.03.2019).

13. Sullivan M. Art and Artists of Twentieth Century China. Berkeley and Los Angeles, University of California Press Publ., 1996. – P.392.